

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

**Д.Усмонов**

Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун силжишли масала .....	6
---	---

КИМЁ

**И.Асқаров, Ш.Қирғизов**

Үрик мевасининг кимёвий таркиби ва биологик хоссалари.....	11
--	----

**Б.Маҳкамов, Д.Гафурова**

Янги полиакрилонитрил / вермикулит таркибидаги синтез, ион алмашинувининг хусусиятлари.....	16
--	----

**Р.Мамадалиева, Ф.Шаропов, А.Ибрагимов, Ш.Абдуллаев, В.Хўжаев**

<i>Allochrusa gypsophiloides</i> таркибидаги иккита асосий сапонинни УССХ-ЭРИ-МС услубини қўллаш орқали тавсифлаш.....	21
---	----

**М.Ахмадалиев, И.Асқаров**

Кротон альдегиди куб қолдигининг таркибини аниқлаш ва унинг асосида полимеркомпозиция олиш.....	25
--	----

## Ижтимоий-туманинтар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

**А.Низамиев, И.Сайпидинов, Г.Момошева**

Яшил “тоза” энергетика бўйича энергетик хабни яратиш истиқболлари Қирғизистонни иқтисодий ривожлантиришнинг янги йўли сифатида.....	29
--	----

**А.Ғафуров, О.Ғафуров**

Янгилаётган Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш.....	33
---	----

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**Б.Холматова**

Қадриятлар тизими ва талаба ёшларда аксиологик онгни шакллантиришнинг фалсафий-педагогик жиҳатлари.....	38
--	----

**Ж.Дадабоева**

Оилавий-хуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....	42
--	----

**И.Сиддиқов, Р.Мамасолиев**

Миллий юксалиш ғоясини амалга оширишнинг ижтимоий-фалсафий омиллари.....	47
--	----

**А.Ғаниев**

Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-маданий ва маънавий моҳияти.....	53
---	----

## ТАРИХ

**О.Бегматов**

Ўзбекистонда замонавий банк тизими шаклланиши ва ривожланишининг тариҳий босқичлари.....	57
---	----

**Ф.Бобоев**

Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши кураш ва унинг ўзига хос хусусиятлари (1925-1933 йиллар).....	65
--	----

**А.Махмудов**

Бухоро амирлигига таълим тизимини исплоҳ қилиш ва янги усул мактабларини ташкил этишда Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг фаолияти.....	71
--	----

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Д.Қуронов**

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романни илк ва қайта нашрларидағи бир тафовут ҳақида.....	75
--	----

ТАРИХ

УДК: 950

БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА ЯНГИ УСУЛ  
МАКТАБЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА УСМОН ХЎЖА ПЎЛАТХЎЖАЕВНИНГ ФАОЛИЯТИ

РЕФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ И  
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ УСМАНА ХОДЖИ ПУЛАТХОДЖАЕВА ПО СОЗДАНИЮ  
НОВОМЕТОДНЫХ ШКОЛ

THE ACTIVITY OF USMON KHODJA PULATKHODJAEV IN REFORMING THE  
EDUCATION SYSTEM IN THE EMIRATE OF BUKHARA AND THE ESTABLISHMENT OF NEW  
METHODICAL SCHOOLS

А.Маҳмудов<sup>1</sup>

<sup>1</sup>А.Маҳмудов

– ФарДУ, Ўзбекистон тарихи кафедраси  
докторант.

**Аннотация**

Мақолада тараққийпарвар ва миллат фидоииси Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг Бухоро амирлигида таълимни замонавийлаштириши ва янги усул мактабларини ташкил этишдаги фаолияти манбалар таҳлили орқали очиб берилган.

**Аннотация**

В статье посредством анализа источников раскрывается деятельность сторонника прогресса и патриота Усмана Ходжи Пулатходжаева по модернизации образования в Бухарском эмирате и созданию новометодных школ.

**Annotation**

This article reveals the activities of the progressive person and patriot Usmon Khoja Pulatkhodjaev in the modernization of education in the Emirate of Bukhara and the establishment of new methodological schools through the analysis of sources.

**Таянч сўз ва иборалар:** усули жадид, мактаб, бошлангич мактаб, дунёвий билим, китоб, жадид, татар муаллими, беклик, амирлик, саводхонлик, ўқув қуроллари.

**Ключевые слова и выражения:** джадидский метод, школа, начальная школа, светские знания, книга, джадид, татарский учитель, княжество, эмирят, грамотность, учебные пособия.

**Keywords and expressions:** jadid method, school, primary school, secular knowledge, book, jadid, Tatar teacher, principality, emirate, literacy, teaching aids.

XIX аср охири – XX аср бошларида бутун Туркистон минтақасида, шунингдек, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига тараққийпарварлик ҳаракати вужудга келди. Минтақада ўзига хос мавқе ва ўринга эга бўлган Бухоро амирлигида исплоҳотчилик ҳаракати қомусий олим Аҳмад Дониш (1827-1897) билан боғланиб, унинг илғор фикрлари буҳоролик жадидларни тарбиялашда катта мактаб ролини ўйнади. Бухоро тараққийпарварлик ҳаракатида умрининг сўнгги нафасигача истиқпол учун курашда сабитқадам бўлиб қолган Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878-1968)нинг ўрни бекиёсdir. Ушбу мақолада серқирра фаолият соҳиби бўлган Усмон Хўжа Пўлат Хўжаевнинг Бухоро амирлигида таълим тизимини исплоҳ қилиш, янги усул мактабларини очиш, маърифатни тарғиб

қилишдаги хизматларини таҳлил қилиш мақсади кўзланди.

**Мақоланинг асосий қисми.** Усмон Хўжа Пўлатхўжаев Бухоро амирлигининг XIX аср охири – XX аср бошларига келиб жаҳон тараққиётидан ортда қолаётганлигини англаб, замонавий юксалиш босқичига чиқишининг асосий тамойилларидан бири – анъанавий эскирган таълим тизимини исплоҳ қилиш зарурлиги, дунёвий ва диний билимларни бирдек ўқитиш масалаларини кун тартибига кўйган инсон эди.

Усмон Хўжа ва унинг сафдошлари Ҳамидхўжа Мехри, Абдувоҳид Мунзим, Абдурауф Фитрат Бухоро амирлигида маданий-маърифий жараёнларнинг марказида бўлишди. Улар Бухорода усули жадид (янги усул) мактаблари ташкил этишнинг ташаббускорлари эдилар. 1910 йилда амирлиқда ташкил топган “Тарбияйи

атфол” (Болалар тарбияси), “Бухоро шахри маорифи жамияти”, “Бухоро ёрдам ширкати” каби ўюшмалар кўмаги билан Усмон Хўжа Пўлатхўжаев 1909-1912 йилларда Туркия (Усмонийлар салтанати) пойтахти Истанбул (Константинопол)да таҳсил олиб қайтади. 1911-1912 йилларда Туркияда таҳсил олган буҳоролик ёшлар сони 50 нафарга яқин эди. [1,90]

Маълумки, Бухоро амирлигига дастлабки янги усул мактаблари Исмоилбек Фаспирали (Гаспринский, 1851-1914) ташаббуси билан очилган эди. Ушбу мактаб Бухоро амири Амир Абдулаҳадхон (хукмронлиги 1885-1910)нинг И.Фаспирали билан учрашувидан кейин амирнинг отаси номи билан аталган Музаффария мактабига асос солинганди. Шундан сўнг усули жадид мактаблари асосан маърифатпарварлар томонидан ташкил этилиб, улар ўқувчиларга муаллимлик қилишган. Тарихчи олимлар биринчи янги усул мактабини Н.Собитов ва Бурнашев очгани ҳақида ўзаро мунозараларга киришиб келишмоқда. Хусусан, тарихчи олима Ф.Бобожонова 1907 йилда Бухоро шаҳрининг Говмушон маҳалласида татар муалими А. Бурнашев очган мактабни биринчи янги усул мактаби [2,103], деб ҳисоблади.

1910 йилда Амир Абдулаҳадхон “Бухоро амирлигининг сиёсий айғоқчилиги” талаби ва қистови билан янги усул мактаблари фаолиятини тақиқлаб қўйди.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг янги усул мактабини очиши ва таълим жараёнини йўлга қўйиши унинг Истанбул таҳсилидан қайтган йилга, яъни 1912 йилга тўғри келади.

Файзула Хўжаев (1896-1938)нинг кейинчалик хотирлашича, бир гурӯх буҳороликлар Туркияда ўқиб Бухорога қайтганларидан сўнг амирликда маърифатчилик ҳаракати кенг тус олган. Ҳар қандай тўсиқ ва тақиқларга қарамай, 1911-1912 йилларда Усмон Хўжа маърифий тарғиботини амирликдаги Китоб, Шаҳрисабз, Қарши бекликларида давом эттириб, бу соҳадаги фаолиятини бир дақиқа ҳам тўхтатмади. Усмон Хўжанинг таълим тизимини янгилашдаги ташаббускорлиги ва етакчилигини эътироф этиб, Ф. Хўжаев: “1912-1913 йилларда масала (маърифатчилик) ҳаракати (А.М.) янгидан очилди. Фақат бу даврда аввалгидан кучли ва мушкул бир суратда эди. Ёпилган

мактабларни янгидан очиш бир суратда ишга киришдилар. Бошида Усмон Хўжа идорасида очилган ибтидоий мактаб бўлиб, 4-5 мактаб буюк-буюк қадамлар билан илгари боса берди. Фитрат ва Ҳамидхўжанинг таҳсилдан қайтиб келиши ишига яна бир буйруқ берди. Доно Усмонхўжа билан биродар бўлиб, баъзи масалаларга қўшилган ҳамда бу дафъаки кенг масала бутун жиддийлиги билан мени ихлос эттириди [3.90-91], деб ёзган эди.

Усмон Хўжа мактаб очиш ва мактабда ўқиш ва ўқитишишларини йўлга қўйиш учун “усули савтия” мактаблари билан танишиш учун Қрим ва Истанбулга бир неча бор қатнаганлиги ҳақида маълумотлар берилади. Шундай маълумотлардан бирини Садриддин Айний ўзининг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” китобида келтириб: “Усули савтия билан яқиндан танишиш учун рафиқларимиз (дўстларимиз)дан Усмон Хўжа ва Ҳамидхўжани Боғчасарой (Қрим) ва Истанбул (Туркия)га юбордик” [4.202], деб ёзади. Қрим ва Истанбулга эзгу мақсад йўлида қатнаб юрган пайтларида Усмон Хўжа ўзи очадиган мактаб учун китоб ва дарсликлар, ўқув кўлланмалари, кўргазмали куроллар олиб келиш чора-тадбирларини ҳам кўрган. Бироқ 1911-1912 йилларда Бухоро амирлигига жадид ва қадимчилар ўртасида зиддият кучайган эди. Абдурауф Фитрат ҳақида: “Туппа тузук муллавачча 3-4 йил Туркияде ўқиб Бухорога коғир бўлиб қайтиби” [5.51], деган фикрлари илгари сурилганди. Ф.Хўжаев бу зиддият ва қарама-қаршилик тўғрисида: “ҳали отам ҳаётлигига уйимизга келувчи муллалар, бойлар ва эшонларни буюк бир мотам, бир интиқом мотами уриб эди”, “дунё бузипди мусулмонликдан қайтган бир неча бойлар жадид мактаблари очиб, оҳиста-оҳиста бойларимизни диндан чиқарардилар. Олти ойда болалар хат саводини чиқарсалар мадраса хароб бўлур. Дехқон болалари доно бўлганларидан кейин амирга солиқ бермайдилар, ҳазина бўшаладур, оч қоладурмиз [6] мазмунидаги фикрни келтиради. “Хотирамда” номли мақолосида Усмон Хўжа ва биродари Атаулла Хўжа (1880-1938) янги усул мактабларини очиш ишига шундай бир мушкул бир вазиятда киришганлиги аён бўлади. Усмон Хўжа билан бир пайтда амирга унчалик

## ТАРИХ

бўйсунмаган, бир қадар эркин бўлган Шаҳрисабз беклигиде Атауллахўжа ва Абдурауф Фитрат мактаб очганлар. Мактабчилик ҳаракатида Исломқул, Мирохур, Мирзо Юсуф каби Усмон Хўжа сафдошлари ҳам кўп куч сарфладилар. Тарихий маълумотларда Усмон Хўжа мактаби 1912 йил охирида охирида очилган бўлиб, ушбу мактабни ташкил этиш учун маърифатпарвар ўзини ўта эҳтиёткор тутиб кераксиз сўзларни давраларда ишлатмай, қариндоши Латифхўжа (Ф.Хўжаевнинг амакиси) ва бошқа илғор фикрлар хориждаги ҳаётни кўрган бойлар жадидча яшаган. Бухоро шахри Говкушон маҳалласида оддий уйлардан бири мактаб биноси сифатида танланди. Усмонхўжа бу уйни таъмирлатиб, Бухоро меъморчилиги услугуни сақлаган ҳолда Европа услугида таъмирланган бино 2 та синф хонадан иборат бўлиб, мактабда ўқувчи ва ёшлар учун стол ва парталар қўйилди. Шунингдек, чет элдан келтирилган 2-3 та глобус, хариталар, Самарқанддан олиб келинган дарслик ҳамда қўлланмалар, Истанбул ва Қrimдан келтирилган тарих, география, арифметика ва бадиий адабиётига оид асарлар тўплланган эди. Мактабда ўқиш учун нафақат ёш болалар, 19-20 ёшлик кишилар ҳам савод чиқариш ёхуд илм олиш муҳлиси эди. Ф.Хўжаев ҳам Усмон Хўжа мактабига қатнаганлиги ҳақидаги маълумотлар ушбу фикрни исботлайди. [7,55]

Усмон Хўжа мактабида ўқувчилар энг аввал мактаб билан танишади, сўнгра қисқа вақт саводни чиқаришга мўлжалланган, янги усулда ёзилган алифбони ўрганиб, хат-савод чиқаришга киришадилар. Уларнинг саводини чиқариш кўпи билан олти ойда амалга оширилиши керак бўлган. Иккинчи босқичда эса дунёвий ва диний билимлар ўргатилиб, “Ҳафтияқ” асосида “Куръони Карим” ҳам ўқитилган. Имтиҳон ўқувчиларнинг отоналари иштирокида қабул қилинганлиги ўқувчиларнинг масъулиятини оширган. Дарс жараёни танаффуслар билан олиб борилиб, синфларда ёруғлик, тиббий-гиена шартлари яратилиши чора-тадбирлари кўрилган. Ўқувчиларга тан жазоси бекор қилиниб, тарбиянинг асосий омили сифатида ибрат-намуна усуллари қўлланилган. Усмон Хўжа мактабда шахсан ўзи ҳам дарс бериб, имтиҳонларни ташкил этиш, ўтказиш ишларини жадвал асосида олиб борган.

Бироқ айрим маълумотларда: “Усмон Хўжа мактабида аниқ дастур бўлмаган, ўқиш форс тилида олиб борилган, болалар хат-саводни чиқариб, арифметикадаги тўрт амални ўрганган холос. “Ҳафтияқ” орқали “Куръон”ни ўрганган [8,86]”, деган фикрлар ҳам айтилади. Бизнингча, Усмон Хўжа мактабида аниқ дастур ва режа асосида таълим-тарбия ишлари йўлга қўйилган. Ушбу мактабни очиш учун Қrim, Истанбул, Самарқанд, Фарғона, Тошкент шаҳарларида очилган жадид мактаблари тажрибаси ўрганилган ва Бухоро шароитида қўлланилиб, тегишли режа асосида иш кўрилмаганда, мактабда ўқувчилар сони 200 тадан ортиб кетмаган бўларди. Шунингдек, дарслар мактабда эрта тонгдан бошланиб, танаффуслар билан 15:00-16:00га қадар давом этиши қатъий жадвал асосида иш кўришни тақозо этарди. Усмон Хўжа билан бир пайтда Ҳамидхўжа Мехри, Мулла Вафо ва Мукаммалиддин Бурҳоновлар ҳам ўз мактабларини очишган. “1914 йилда Бухорода ном чиқарган машҳур Усмон Хўжанинг мактабида 200 нафар, Эшон Ҳамидхўжанинг мактабида 100 нафар, Мулла Вафонинг мактабида 80 нафар ўқувчи таълим олган [9,3]”, деб маълумот берилади архив ҳужжатларида.

Усмон Хўжа мактаби 1912 йил охиридан 1914 йилнинг июнь ойи охиригача фаолият юритганлиги маълум. 1913 йил ва 1914 йилнинг биринчи ярми Бухорода янги усул мактабларининг энг юксалган даври бўлиб, 1912 йил октябрда очилган Усмон Хўжа мактаби марказий ўринда турган. Консерватив характерда бўлган муллалар ва амир амалдорлари янги усул мактабларини ёпиш учун кўп куч сарфладилар. Хорижий манбаларда келтирилишича, Усмон Хўжа ва унинг сафдошлари мактабини ёпиш учун Маҳдуми раис мулла Бурҳониддин ва муфти мулла Абдураззоқлар кўп куч сарфлаб, Остонақулбий Қушбегига ўзларининг фатволарини топширдилар. Шунингдек, Икром домла бошчилигидаги илғор фикрли уламолар янги усул мактабларини ёқлаб, улар ҳам ўз фатволарини қушбегига тақдим этдилар. Остонақулбий Қушбеги фатволарни кўриб, ажрим чиқариш учун Бухоро қозикалони Бобохўжага топширди. Қозикалон янги усул мактабларини тафтиш этиб, ўқувчилар ва ўқитувчилар билан суҳбат қуриб, шариатга қарши ҳеч нарса тополмади. Шундан сўнг реакцион кучлар

очиқдан-очиқ янги усул мактабларини ёпиш учун жанжалга сабаб бўладиган мунозараларни қўзғадилар. Охир оқибатда Амир Олимхон 1914 йил 29 июнда янги усул мактабларини бутунлай тугатиш ҳақида фармон берди. Усмон Хўжа мактаби ҳам барча янги усул мактаблари қатори ёпиб кўйилди [10.287-296].

Хулоса қилиб айтганда, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев Истанбул (Туркия) таҳсилидан қайтгандан сўнг бутун вужуди билан маърифатчилик тарғиботи ва замонавий мактаб очиш ишларига киришиб кетди. 1912

йил октяброда Бухоро шаҳрида Усмон Хўжа томонидан очилган мактаб 1914 йил июн ойи охирига қадар юзлаб болаларнинг хатсаводини чиқаришда, уларга дунёни танитишда муҳим таълим ўчоғи бўлди. Усмон Хўжа мактаби ўқувчилар қамрови жиҳатидан ушбу йўналишда иш юритган ўқув даргоҳларидан йириги бўлганди. Ўқувчиларга бир пайтнинг ўзида ҳам дунёвий, ҳам диний билимлар берилиши Усмон Хўжа мактаби шарқона анъаналар билан европача замонавий таълимнинг уйғунлигини таъминлаганди.

### Адабиётлар:

1. Ш.Хайитов, С.Бадриддинов, К.Рахмонов. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт.-Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2005.
2. Бобоҷонова Ф.Ҳ. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари). – Бухоро, 2014.
3. Файзулло Хўжаев. "Хотирамда"/ Бухоро ахбори, 48-сон, 1921 йил 1-сентябрь (араб имлосида эски, ўзбек адабий тилида)
4. С.Айний. Асарлар. 8 томлик, 1 том. -Т.: Бадиий адабиёти нашриёти, 1963.
5. Ҳ.Болтабоев. Абдурауф Фитрат // Мулоқот, 1996. №4.
6. Файзулло Хўжаев. Хотирамда // Бухоро ахбори, 48-сон, 1921 йил 1-сентябрь (араб имлосида эски, ўзбек адабий тилида).
7. Ш.Хайитов, А.Салмонов, С.Йўлдошев. Ўзбек мухожирлиги тарихидан лавҳалар. – Фарғона: "Фарғона" нашриёти, 1998.
8. Бюллетень САГУ, вкп 16. – Т., 1926.
9. ЎзРМДА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 268 хўжжат, 3 варақ.
10. Turkistanda Venilik Hareketleri ve Jhtilaller: (1900-1924) Osman Hocha Anisina Jhcelemelen (Hozirlayan Timur Kosaoglu) SOTA Harlen.2001.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).